



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 51-52 (824)
2022 йил
29 декабрь,
Пайшанба



www.bong.uz



@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1



НЕЪМАТЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИСИ – ҲАЛОВАТДИР



ДАРАХТ КЕСИШНИНГ МУДҲИШ ОҚИБАТИ



МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

она тилимизга эътибор
янада кучайтирилади

ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ:

ХАЛҚАРО КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Юртимизда сўнгги йилларда Президентнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йил якуни ва мамлакат ҳаётидаги муҳим масалалар юзасидан мурожаат қилиши яхши бир сиёсий анъанага айланди. Мурожаатномада давлат раҳбари томонидан мамлакатимиз ҳаётининг бугунги аҳволи чуқур таҳлил қилиниб, унинг келгуси йилда барқарор ривожланиши бўйича энг муҳим тақлифлар, ташаббуслар илгари сурилади.

Куни кеча Президент томонидан қилинган мурожаатномада ҳам энг долзарб муаммолар, ривожланиш истиқболининг энг муҳим жиҳатлари ҳақида батафсил сўз юритилди.

Бу йилги мурожаатноманинг аввалги йилдагилардан фаркли жиҳати, унда инсон кадрини улуғлаш баробарида таълим тизимини ривожлантириш, хусусан, сифатли таълимга эътибор қаратиш Янги Ўзбекистонни барпо этишда бош мезон бўлиши таъкидланди. Шу мақсадда келаётган 2023-йил юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилинди. Дарҳақиқат, Президент айтганидек, “таълим сифатини ошириш –

Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир”.

Мурожаатномада Президентнинг 2023 йилда мамлакат ривожининг устувор йўналишлари қаторида экология ва сув масалаларига тўхталгани алоҳида диққатга сазовор. Сир эмаски, охириги йилларда минтақамиз ва жаҳон миқёсида экологик муаммолар, айниқса сув ресурсларининг етишмовчилиги долзарб муаммога айланган.

Қурғоқчиликларнинг тез-тез тақрорланиши иқтисодиётимизга, аҳоли кундалик турмушига жиддий таъсир қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу соҳада ечимини кутаётган масалалар талайгина. Шундай долзарб масалалардан бири охириги пайтларда кўплаб муҳокамаларга

сабаб бўлаётган, Афғонистонда казилаётган Қўштепа каналидир.

Трансчегаравий дарёлар бўлган Сирдарё ва Амударё сувларининг камайиши минтақа давлатлари сингари Ўзбекистон учун ҳам улкан салбий оқибатлар яратади. Сўнгги пайтларда Афғонистоннинг шимолий худудларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида Амударё бўйида жадаллик билан қурилаётган, унинг ўзанидан катта миқдорда сув олишга мўлжалланган Қўштепа канали минтақада шундоқ ҳам оғир бўлган сув ресурслари тақчиллиги муаммосини янада жиддийлаштиради.

Президент Ш.Мирзиёев ушбу янги канал қурилиши масаласига алоҳида тўхталиб, бундай мураккаб вазиятда ўзаро мулоқот қилиш, сув ресурсларини оқилона тақсимлашда халқаро ҳуқуқнинг умум қабул қилинган меъёрлари асосида иш юритиш, бу борада ўзаро ишонч руҳини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Канал қурилиши ҳозирда тез суръатларда давом етмоқда. Уни 6 йилда битириш мўлжалланган бўлиб, узунлиги 285 кмни ташкил этади. Масаланинг мураккаб томони шундаки, Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистон ўртасида сув тақсимоли юзасидан бирорта шартнома имзоланмаган. Боз устига, Афғонистон шу пайтга қадар БМТнинг 1992 йилги халқаро қўллар ва трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш ва уларни асраш бўйича Конвенциясига қўшилмаган. Афғонистоннинг амалдаги муваққат ҳукумати халқаро майдонда ҳозирга қадар тан олинмаётганлигини ҳисобга олсак, сув ресурслари тақсимоли юзасидан келишувга эришиш осон бўлмаслиги аниқ. Шунинг баробарида, сув муаммоси минтақада жиддий аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, бу борада афғон томони билан фаол мулоқотга киришиш ва ҳамкорлик қилишни вазиятнинг ўзи тақозо қилиб турибди.

(Давоми 3-саҳифада)



НЕЪМАТЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИСИ — ҲАЛОВАТДИР

Вақт тез ўтмоқда. Умр мисоли дарё деганлари бежиз эмас. Шундай экан, ганимат фурсатларда халқни ўйлаб қилинган ишлар асло унутилмайди. Келажак авлод манфаати, юрт равнақи йўлида бажарилаётган улугвор ислохотлар ўз натижасини кўрсатмай қолмайди. Шукрки, инсон қадри улуғланган юртда яшаймиз. Инсон азиз, унинг ҳаёти, ҳуқуқлари, истаклари муқаддас. Зотан, ҳар ким ўзи тугилиб-ўсган диёрда бахтли кун кечиршига ҳақли. Бу мақсадлар устуворлигига қаратилаётган эътибор сизу-биз биргаликда бунёд қилаётган — Янги Ўзбекистонда бош тамойиллардан саналаётгани аслан, энг буюк эврилиши.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини катта ҳаяжон билан тинглаганимиз бежиз эмас. Зеро, бу нутқда ҳар биримизнинг эртанги тақдиримиз, ватан қисматига доир сўзлар айтилди. Балансдор гаплардан холи, ҳаммани ўйлантираётган муҳим масалалар тилга олинди. Юртбошимиз бу чиқишлари билан яна бир карра халқимиз ҳаётини беш кўлдай билишларини исботлади. Халқнинг ичидан чиққан, унинг иссиқ совуғини, дардини биладиган инсон шундай самимий ва ҳароратли сўзларни айтади.

Янги Ўзбекистонни биргаликда барпо қилиш учун қўйилаётган вазифалар кўлами ҳар қандай барқарор давлат учун ҳам анчайин жиддий иш. Бироқ, давлат раҳбари ўзи таъкидлаб ўтгани каби, қисқа вақтда биз катта тажриба тўпладик ва фақатгина ўзимизга ишонган ҳолда, бундай улкан вазифаларга қўрқмасдан бел боғламоқдамиз. Бинобарин, Президент томонидан 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилиш таклифи этилгани ва бир овоздан маъқуллангани ҳам улуг мақсад йўлида барчанинг яқдил эканини кўрсатди.

Аввало, халқимиз янги йилга бериладиган номга жиддий эътибор билан ёндашишига кўникдик. Зеро йил номи ислохотлардаги устувор йўналишларни белгилайди ва буни Янги Ўзбекистоннинг каттаю-кичик, барча фуқароси тушуниб турибди.

Сир эмаски, дунё миқёсида пандемия қолдирган излар ҳали батамом битмади, мамлакатлар иқтисодиёти ҳам тикланиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Бу ҳолни халқимиздаги “туяни шамол учирса, эчки-

ни осмонда кўр”, деган нақл билан ифодаласак, муболаға бўлмайди. Зотан, пандемия манамен деган кучли иқтисодиётга эга давлатларни ҳам жиддий ўйлантириб қўйганига гувоҳимиз. Оқибатда, айниқса, қашшоқ мамлакатлар, заиф иқтисодиётга эга давлатлар ҳудудда миллионлаб инсонлар аввало очарчилик муаммоси билан юзма-юз келишди.

Боз устига, жорий йилда халқаро ҳарбий ҳаракатлар, беқарорлик кузатилаётгани ҳам муаммони вақтда ҳал этишни қийинлаштирмоқда. Бундай оғир шароитда сарҳадлар дахлсизлиги, соғлиқни сақлаш, таълим соҳалари ҳамда ижтимоий барқарорликни бир маромда ушлаб туриш учун инсонга темир ирода, юксак салоҳият лозим ва у ҳам жамият томонидан қўллаб-қувватлансагина ўз қудратини кўрсата олади.

Мурожаатномада айтилган қатор таклиф ҳамда вазифалар халқимизга ана шундай ишончни берди, давлат раҳбари атрофида янада жипсрок бўлиб, бирлашиш истагини мустаҳкамлади. Бу айна пайтда ҳар бир юртдошимиз томонидан эътироф этилаётган муҳим ҳақиқат.

Президентимиз ўз мурожаатида 2023 йилда аҳоли томонидан таклиф берилган сув, электр, йўл, мактаб каби лойиҳалар учун қарийб 3 баробар кўп, яъни 8 триллион сўм йўналтирилишини маълум қилди. Сир эмаски, халқимиз “OpenBudget” орқали йиллар давомида ўзини қийнаб келган муаммоларнинг ечилгани гувоҳи бўлмоқда ва бу жараёнда фаол иштирокчи бўлиш имкониятини кўлдан бой бермапти.

Бу мақсад учун ажратиладиган

маблағлар миқдори ошиши эса, шунчаки тасаввур қилинг, қанча инсонлар мушкулани аритади.

Ҳар бир маҳалла ўзининг кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлиши зарурлиги, ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун, “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилишига доир таклифлар ҳам бе-

Барчамиз учун яна бир муҳим йўналиш, бу — таълим соҳаси. Президент бу борада ҳам қатор ташаббусларни ўртага ташладики, уларнинг ижроси ёшларга сифатли таълим бериш орқали жонажон ватанимиз эртаси учун ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ана шундай узоқни кўзлаб қи-

восита фуқаролар ҳаётини сифат жиҳатидан яхшилашда катта қадам бўлиши табиий.

Шу ўринда фуқаролар учун энг муҳим йўналишлардан бўлган соғлиқни сақлаш тизими борасида билдирилган фикрларни ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Давлат раҳбари келаси икки йилда ҳар бир оилавий поликлиника ва шифокор пунктига энг керакли ускуна ва жиҳозлар етказиб берилиши, экспресс лабораториялар тўлиқ янгиланишини маълум қилди. Бу вазифанинг аҳамияти ва натижаси тўғрисида ортиқча изоҳ шарт эмас. Ёз жазирамаси ёхуд қиш қаҳратонида ўз ҳудудидан олисга бормай туриб, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти яратилиши халқимиз учун қанчалик аҳамият касб этиши ҳаммамизга кундек равшан.

Шу билан бирга, кейинги йили қўшимча 140 та оилавий шифокор пункти ва поликлиника, 520 та олис ва чекка маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилиши ҳам қувонарли ҳолдир. Қолаверса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик катта дастур амалга оширилиши, барча туғруқ комплекслари тўлиқ таъмирланиши ва жиҳозланиши, уларда мавжуд ўринлар сони яна 35 фоизга кўпайтирилиши халқимиз учун бугуннинг тухфаси бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Юртбошимиз ўз мурожаатида бугунги тинч ва осуда ҳаётимизни кадрлаш ҳақида алоҳида тўхталиб, бу борада нурунийларимиз маҳалла ва мактабларда уч авлод учрашувини кўпроқ ўтказиш зарурлигини таъкидлади. Халқимизда: “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” деган нақл бор. Дарҳақиқат, кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган нурунийларнинг гап-сўзи ёшларимиз учун ибрат бўлиши табиий. Шундан келиб чиқиб, биз ҳам ўз ҳудудимизда мана шундай учрашувларни доимий ўтказиб келмоқдамиз ва бу каби тадбирларни келгуси йилда ҳам мунтазам уюштирамиз. Зеро, инсон ҳаётда ҳамма орзуларига эришса бўлади. Бунинг учун тинчлик деган неъмат барқарор бўлиши керак.

Тўлқин ТЕШАЕВ,
Олмазор тумани Маҳалла ва нурунийларни
қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташиқлотлари ва фуқаролик жамиятининг бошиқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Ёшларнинг маънавий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш” мавзусидаги давлат гранти асосида тайёрланди.

Сўнги йилларда яхши бир анъанага гувоҳ бўляпмиз. Яъни янги йил бошланишидан аввал Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва халқимизга мурожаатномаси эълон қилинади. Ушбу мурожаатномада тугаётган йил сарҳисоби, асосийси келгуси йилда режалаштирилаётган масалалар, соҳалар ривожига ҳақидаги режалар эълон қилинади. Шу боис ҳам ушбу мурожаатномани кўпчилик интиқ кутишади.

МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

она тилимизга эътибор янада кучайтирилади



Мурожаатномада Президентимиз 2023 йилга юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном беришни таклиф қилиб, таъкидлаганидек, “Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туйғайли эришилади”. Барча ривожланишларнинг асоси таълимдан бошланади.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбарининг “Миллий ўзлигимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади. Албатта, чет тилини билиш-замон талаби. Аммо она тилини билишни мажбур қилиш керак”, деган сўзлари биз – давлат тили бўйича раҳбар маслаҳатчиларини ҳаяжонга солган энг муҳим сўзлар бўлди.

Сўнги йилларда давлат тилининг нуфузини ошириш учун бир қанча Фармонлар ва Қарорлар қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси-

га босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан бугунги кунга келиб деярли барча вазирлик ва идораларда иш юртиш лотин алифбосида ташкил этилмоқда. Қолган ташкилотлар ҳам 2023 йилгача лотин алифбосига ўтиши режалаштирилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, 2022 йилда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги тахрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, Мазкур Қонун жорий йилнинг 7 июнь санасида қабул қилинди. Ушбу янги тахрирдаги Қонунда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рекламани тарқатиш (жойлаштириш) тилига оид алоҳида нормалар киритилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида тарқатилиши ва қўшимча ра-

вишда бошқа тилларда такрорланиши мумкин.

Қонун ижроси юзасидан Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан ташқи реклама ва ахборот объектларидаги (конструкцияларидаги) рекламаларнинг давлат тилида бўлишини таъминлаш, ташқи ёзув ва бошқа ахборот матнларининг қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан ўрганишлар ўтказилган.

Хусусан, республика ҳудудларида жойлаштирилган жами 39 215 та ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) хатловдан ўтказилди.

Хатлов давомида, 11 555 та ташқи реклама ва ахборот объектларида (конструкцияларида) жойлаштирилган рекламаларда турли камчиликлар аниқланган. Шундан 9 139 та ҳолатда ташқи реклама объектлари орқали жойлаштирилган рекламанинг матни бошқа тилларда (асосан рус тилида) берилганлиги кузатилди.

Шунингдек, 2 416 та реклама воситалари орқали жойлаштирилган реклама ва эълонлар матни имловий ва луғавий хатолар билан берилганлиги аниқланди.

Шу ўринда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида, тадбиркорлик субъектларига, реклама тарқатувчиларга тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, уларга ташқи реклама орқали жойлаштирилган реклама матни давлат тилида бўлишини таъминлаш юзасидан тушунтиришлар берилди.

Президентимиз айтганидек: “Ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир”. Уни асраб-авайлаш, ривожлантиришга ҳар биримиз масъулмиз.

Гўзал ҚОДИРОВА,
Монополияга қарши
курашиш қўмитаси раисининг
маслаҳатчиси

ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ:

ХАЛҚАРО КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

(Боши 1-саҳифада)

Президент айтганидек, бу каби йирик канал қурилишида минтақанинг барча давлатлари манфаатларини бирдек инобатга олиш барча учун муҳим. Амударё ўзанида бундай улкан ҳажмдаги канал қурилиши ва унинг ишга тушиши дарёнинг куйи оқимидаги сув ҳажмининг кескин камайишига олиб келади. Оқибатда, Орол денгизи ҳавзасига Амударё сувларининг етиб бориши имконсиз бўлиб қолади. Бу вазиятда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Афғонистоннинг муваққат ҳукумати билан мазкур масала юзасидан самарали мулоқот олиб бориш ва ҳамкорлик қилиш энг тўғри йўл ҳисобланади.

Ўзбекистон сўнги олти йил ичида фаол дипломатия, ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган прагматик ташқи сиёсат орқали сезиларли ютуқларга, халқаро майдонда имиджининг яхшиланишига эришди. Яқинда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида ўзаро чегара муаммосининг бутунлай ҳал этилгани мамлакат-

мизнинг фаол қўшничилик ва ҳамкорликка асосланган минтақавий ташқи сиёсати муваффақиятли амалга оширилаётганига яққол мисол бўла олади.

Ён қўшнимиз Қирғизистон билан чегара масаласи қанчалик мураккаб бўлмасин, тарихан қисқа фурсатда ҳал қилиниши Президентимиз Ш. Мирзиёев бошлаб берган ташқи сиёсатда очиқлик, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ҳамкорлик руҳи нақадар муҳим эканлигини тасдиқлайди. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосига айланган самарали мулоқот ва ҳамкорлик руҳидан минтақамиз кун тартибидеда турган ҳар қандай долзарб масалани биргаликда ҳал қилишда фойдаланиш мумкин. Жаҳон сиёсий майдонидаги ҳозирги беқарорлик, йирик сиёсий тебранишлар даврида конструктив мулоқот, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон бундан кейин ҳам ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ташқи сиёсатни давом эттириши Президентимиз мурожаатида яна бир бор таъкидланди.




Яна бир масала ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман: мурожаатномада кўрсатилган муаммоларнинг ечими ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига жиддий ва ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Жумладан, қайд қилиб ўтганимиз – Амударёдаги сув тақсмоти муаммоси ечилса, неча минг йиллик тарихларнинг гувоҳи бўлган азим чинорлар, миришкор деҳқон ва боғбонларимизнинг боғ-роғлари ва экинзорлари,

ободончиликлар янада гуллаб-яшнайдилар. Яшнаган маконда қалблар ҳам яшнайдилар, инсон ўз ҳаётини рози ва мамнун бўлиб яшайди. Ислохотларнинг пировард мақсади ҳам шу.

Авазбек ШЕРМАТОВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти илмий
ҳодими.

ДАРАХТ КЕСИШНИНГ МУДҲИШ ОҚИБАТИ



Нима учун бугун дарахт экиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва нима сабабдан дарахт кесиш жиноятга тенглаштирилмоқда? Агар табиатга муносиб муносабатда бўлинмаса ва дарахтлар камайишида давом этса, келажакимиз нима бўлади? Ҳавода захарли моддаларнинг ортиши, аҳоли ўртасида касалликлар, эрта ўлим ҳолатларининг кўпайиши бу билан ўзаро боғлиқ эмасми? Шу каби саволларга жавоб излаймиз.

Бундан 64 йил олдин Хитойда бугдой ҳосилини асраш мақсадида чумчуқларга қарши аёвсиз кураш бошланган эди. Ўшанда биргина 1958 йилнинг баҳорида бутун Хитой бўйлаб қарийб 2 миллиард дон чумчуқ овлангани ҳақида маълумотлар бор. Охири ўйланмай қилинган бу иш табиатдаги мувозанатни бузди, оқибатда Хитой далалари ҳашаротларга тўлиб, ҳосил аввалги йилгига қараганда бир неча баробарга камайди ва очарчилик бошланди. Ҳукумат хатосини йиллар давомида тўғирлай олмади. Фақат бошқа давлатлардан чумчуқлар келтирилиб, далаларга қўйиб юборилганидан сўнг вазият аста-секин ўнланди.

Бугун қайсидир маънода биз ҳам табиатга етказётган зарарларимиз оқибати билан курашялмиз. Фарқи шундаки, биз қушларни қирмадик, балки дарахтларга қирон келтириб, бутун бошли флорани қақишадик.

Тўғри, охириги йилларда дарахтларни кесишга мораторий эълон қилинди, бу йўналишдаги қонунбузарлик учун жазо чоралари оғирлаштирилиши ортдан дарахт кесиш ҳолатлари бир мунча камайди. Яшил макон умумийлий лойиҳаси ҳам табиатдаги мувозанатнинг тикланишига умид бағишламоқда. Аммо барча саъй-ҳаракатларга қарамай дарахтлар кесиши тўтагани йўқ. Ўртага пул кирганда дарахтларни кесиш учун минг бир баҳона ўйлаб топилмоқда. Табиатга бундай тажовузкорона муносабатнинг охири нима билан яқунланади, шуни ҳам ўйлаб кўрдикми?

Бу масалада биринчи мартаба гапирилмаяпти, биз ҳам эски гапларни қайтариш фикридан йироқмиз. Келинг, яхшиси мутахассисларнинг ўзидан сўраб кўрамиз: дарахтларсиз ҳаёт қандай бўлади?

ЎРНИНИ 15 ЙИЛДА ҲАМ ТЎЛДИРА ОЛМАЙМИЗ

Хислат ҲАЙДАРОВ,
Самарқанд давлат университети
ботаника кафедраси мудир, профессор:

– Бугун вилоятимиздаги экологик вазиятни яхши деб бўлмайди. Самарқанд шаҳри ҳавосининг ифлосланганлиги бўйича Тошкентдан кейинги ўринда туриши ҳам мумкин. Бунга ишора қилувчи жуда кўп омиллар бор. Транспорт воситалари, ишлаб чиқариш корхоналари, умуман, аҳоли сонининг кўпайиши шулар жумласидан. Ачинарлиси шуки, бизда экологияни зарарловчи омиллар кўпайиши баробарида ҳавони тозалашга хизмат қилувчи дарахтлар сони камайиб бормоқда. Дарахтлар табиатнинг ўпкаси ҳисобланади. Уларсиз етарлича кислород, кислородсиз эса ҳаёт бўлмайди.

Шу кунларда бутун республика бўйлаб “Яшил макон” умумийлий лойиҳаси асосида кўчат экиш тадбирлари олиб бориляпти. Бу узокни кўзлаб амалга ошириляётган муҳим лойиҳа. Лекин кўчат экиш ишнинг энг осон қисми, асосий масала уларни парваришлаб, вояга етказишда. Қолаверса, ҳар бир кўчат ўзига мос муҳитни ва парваришни талаб қилади.

Масалан, лола ва магнолия дарахтларини кўча бўйига экиш нотўғри. Улар оғир захарли газлар, хусусан, автомобиллардан чиқадиган чиқинди

газлари билан ифлосланган жойларда яхши ривожланмайди. Шу сабабли бу кўчатларни боғларнинг ичига экиш мақсадга мувофиқ. Кўча ва магистрал йўллар ёқасига каталпа, япон сафораси, акация, эман, чинор ва айлант экиш мақсадга мувофиқ. Бу дарахтлар йирик баргли бўлиб, захарли газларни яхши тутиб қолади, шунингдек, ўзлари сувсизликка чидамли бўлган ҳолда атрофга соя-салқинлик улашиб туради.

Шаҳарнинг бир неча жойида оқ қайин экилганига гувоҳ бўлдим. Бу дарахтларни аҳоли яшаш жойлари ва жамоат жойларига экиб бўлмайди. У аллергик касаллиги бор инсонларга ёмон таъсир қилиши мумкин. Худди шундай, тол ва теракнинг чангчил туплари ўзидан кўп гул чангини чиқаради. Улар ҳам аҳоли пунктларидан четроқ жойларда, хусусан, катта ариқ ёки канал бўйларига экилса, ўзига хос манзара ҳосил қилади.

Яна бир гап. Кўчат экиш ёши катта дарахтларни кесиш учун баҳона бўлмаслиги керак. Битта кўчатнинг улғайиб, ҳавони максимал даражада тозалашга киришиши учун ўртача 15-20 йил вақт керак бўлади. Демак кўчат экяпмиз-ку деб, 50, 100 ва ундан катта ёшли дарахтларнинг баҳридан ўтиш нотўғри ёндашув. Агар шу тақлидда давом этилса, кейинги 15 йил нима билан нафас оламиз, захар биланми? Масаланинг шу жиҳатларини ҳам ўйлаб кўриш керак.

АҲОЛИ СОНИДАН КАМ

Санъатжон БЕРДИШУКУРОВ,
Каттақўрғон тумани экология ва
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими
бошлиғи:

– Президентимиз шу масаладаги йиғилишда мамлакатимизда яшиллик 30 фоиздан 8 фоизга камайганини таъкидлаб ўтган эди. Рақам кўринишида бу кўп нарсани аниқлатмас, лекин амалда вазият жуда ёмон. Икки йилдан буён давом этаётган “Яшил макон” умумийлий лойиҳасининг асосий мақсади ҳам айна хатони тўғирлаш, табиатга етказилган зарарни қоплашга қаратилган.

Ҳолатни биргина Каттақўрғон тумани мисолида таҳлил қилсак, ҳозир бу ерда истиқомат қилувчи 285 минг нафар аҳолидан дарахтлар сони кам. Тегишли дастурлар асосида худудга экилиши белгиланган дарахт кўчатлари ҳам аҳоли бошига биттадан тўғри келмайди. Дарахт кесиш ҳолатлари ҳамон давом этаётганини инобатга олсак, табиатдаги бўшлиқ яқин йилларда тўлдирил-

маслигини тушуниб етиш мумкин. Бу барчани ташвишга солиши лозим.

Айтиш жоизки, ўтган даврда вилоятимизда игна баргли дарахтларни экиш авжига чиқди. Лекин бу амалиёт ўзини оқламади. Сабаби арчалар касаллишига мойил бўлиб, кўп сув талаб қилади. Ва аксинча, ўзи деярли салқинлик бермайди. Оқибатда уларнинг кўпи сувсизлик ёки касаллик оқибатида куриб қолди. Биз бугун уларнинг жойига ота-боболаримиз эккан, иқлимимизга мос ва чидамли дарахт кўчатларини ўтказиш ҳаракатидамиз.

Албатта, дарахтлар тириклик манбаи ҳисобланади. Лекин улар фақатгина ҳавони тозаловчи восита эмас, балки минглаб турдаги қуш, ҳайвон ва ҳашоротлар учун бошпана ҳамдир. Бир худудда дарахтларнинг йўқ қилиниши табиатдаги мувозанатни бузади. Қолаверса, дарахтлар сув танқислигининг олдини олади. Яъни, дарахт бор жойда сувнинг парланиши камайиб, яшиллик сақланиб қолади.

НАФАС ЙЎЛЛАРИ КАСАЛЛИГИ БИРИНЧИ ЎРИНГА ЧИҚДИ

Гулжаҳон ИБРАГИМОВА,
вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ревматология
ва пульмонология бўлими бошлиғи, олий тоифали
пульмонолог шифокор:

– Бундан бир неча йил олдин аҳолида кўп учрайдиган касалликлар орасида юрак хасталиги биринчи ўринда эди. Ҳозир пульмонологик касалликларга чалинувчилар ундан ҳам кўп бўлмоқда. Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги шулар жумласидан.

Бу касаллик организмда бирдан пайдо бўлмайди, йиллар давомида захарли газларга тўйинган ҳаводан нафас олиш оқибатида ривожланиб келади. Илгари унга асосан новвой ва пайвандчилар чалинарди. Ҳозир у касб танламаяпти. Бўлимизга мурожаат қилувчиларнинг ҳар 10 нафаридан бирида шу хасталик аниқланмоқда.

Аслида вазият бундан ҳам ёмон бўлиши мумкин. Сабаби вилоятимизда пульмонолог шифокорлар жуда кам. Шу боис ўзида балғамнинг кўп ажралиши, ҳансираш ҳолатларини сезганлар кардиолог ёки бошқа шифокорлар олдида бориб, кетирасиз муолажаларни олишмоқда. Бугун на фуқаролар ва на тор соҳа шифокорларида нафас йўлларининг сурункали касалликлари ҳақида етарли тушунча бор. Умуман, одамларга захарли газларга “бой” ҳаводан нафас олаётганимиз учун кўп хаста бўлаётганимизни ҳам тушунтириб бўлмаяпти. Қолбуки, айна омил нафақат нафас йўлларидаги касалликлар, балки асаб тизими, юрак, қон-томир касалликларининг ҳам сабабчиси ҳисобланади. Умуман, кислород танқислиги бутун организм учун зарарли. Кишиларда ишчанликнинг пасайиши, уйқу босиши, умумий ҳолсизлик танамиз кислородга тўйинмаётганидан далолат.

Шу сабабли шифокор сифатида аҳолига йилда бир мартаба бир неча кунни тоғли худудларда, ўрмонларда тоза ҳаводан нафас олиб ўтказишларини маслаҳат берган бўлар эдим. Бу танадаги касалликларнинг сурункали кўринишига ўтишига тўсик бўлади.

ҲАВОНИНГ ИФЛОСЛАНИШИ ИҚТИСОДИЁТГА ҲАМ ЗАРАР

Яқинда Жаҳон банки гуруҳи ходимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамкорлигида тайёрланган ҳисобот эълон қилинди.

Унда таъкидланишича, “Яшил” иқтисодиётга ўтиш барқарор ва инклюзив бозор иқтисодиётига ўтишнинг ажралмас қисми. Бироқ мамлакатимизда бу борада қатор муаммолар бор. Хусусан, Ўзбекистон аҳоли жон бошига табиий ресурслар бўйича Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидан, Қозғистонни ҳисобга олмаганда, яхшироқ кўрсаткичга эга. Аммо табиий капиталда яйловлар ва ҳайдаладиган ерларнинг улуши кўп, экотизимларнинг ишлаб туришини таъминлайдиган ўрмонлар ва муҳофаза этиладиган табиий худудлар эса кам. Шу ва сувдан ортиқча фойдаланиш билан боғлиқ омиллар худудда ер деградациясининг тарқалишида давом этишига сабаб бўлади.

Деградацияга учраган ерлардаги чангнинг шамол таъсирида кўчиши, шаҳар ва саноат манбаларидан чиқадиган каттик зарралар ҳавонинг ифлосланиш ҳолатини оғирлаштиради. Аҳолининг катта қисми мунтазам равишда тоза бўлмаган ҳаводан нафас олади: ялпи ички маҳсулотнинг 6 фоизига тенг бўлган тасодифий бўлмаган ўлим ҳолатларини ҳаво ифлосланиши билан боғлаш мумкин. Ер деградацияси иқтисодиёт учун ҳам жуда қимматга тушади ва бу ўзаро боғлиқ экологик муаммоларни келтириб чиқаради.

Бу мутахассисларнинг изланишлари натижалари, фикр ва таклифлари эди. Гувоҳи бўлганингиздек, экологик инқироз остонада турибди. Шундай экан, хулоса қилишга шошилайлик.

Анвар МУСТАФОҚУЛОВ,
Асқар БАРОТОВ.

Мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этиш анъанага айланди. Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги Мурожаатномасини тинглаб, кўнглимда кечган ҳаяжонли мулоҳазаларимни ёзгим келди. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2023 йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилиниши нафақат мен, балки мамлакатимиз илм-фан аҳли, таълим соҳаси вакиллари учун ҳам гоят қувончли хабар бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўз лавозими-га киришгач, илк учрашувни айнан илм-фан намояндалари билан ўтказилгани, давлат тилининг нуфузини оширишга эътибор қаратиши ҳам бежиз эмас. Зеро, бу қадамлар янги Ўзбекистоннинг пойдевори қўйилишида муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилиши, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийинлиги, мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан эканлигини аниқ кўрсатиб берилиши, айни вақтда бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб эканлиги ҳақидаги эътирофи ўша вақтнинг ўзидаёқ олимларга куч-қувват, завқ, шижоат бағишлаган эди.

Бугунги Мурожаатнома эса қўйилган қадамларнинг тадрижий давоми ва кульминацион нуқтаси бўлди, десак муболаға бўлмайди. Мурожаатномада бирор соҳа давлат раҳбарининг эътиборидан четда қолмади, ҳар бир соҳа ютуқ ва камчиликлари, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар билан бирга атрофлича таҳлил қилинди.

Мурожаатномани тинглаган ҳар бир юртдошимиз қалбида эртанги кунга ишонч уйғонгани, ўз ишига, вазифасига масъулият билан ёндашиш, Ватани ва миллатига садоқат ҳисси пайдо бўлганига шубҳа йўқ. Айниқса, Президентимизнинг, “Миллий ўзлгимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади. Албатта, чет тилини билиш — замон талаби. Аммо она тилини билишни мажбур қилиш керак”, деган сўзлари нафақат Ватан, миллат, балки она тилимизга бўлган садоқатни янада мустаҳкамлайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддаси ва “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг (янги тахрирда) 1-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир”, деб белгилаб қўйилиши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Бугунги кунга келиб она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни буюк марраларга сафарбар этадиган бекиёс куч сифатида майдонга чиқди, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёни-

да давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Вазирлар Маҳкамасида алоҳида тузилма – Маънавият ва Давлат



тилини ривожлантириш масалалари Департаментининг ташкил этилиши асносида мамлакатда давлат тилида иш юритишни тартибга солиш имконияти пайдо бўлди. Ҳар бир тизимда ўзбек тилининг нуфузини ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича раҳбар маслаҳатчиси, яъни давлат тилида иш юритиш ишларига масъул белгиланди.

Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Фармонида мувофиқ “2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси”да мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш, шунингдек, барча вазирлик ва идоралар таркибида иш юритиш, шунингдек, барча идоралараро ҳужжатлар айланиши давлат тилида бўлишини таъминланмоқда.

Албатта бу ишларни амалга оширишда “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 мартдаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида малака ошириш маркази камарбаста бўлиб, давлат ташкилотлари ходимлари учун давлат тилида иш юритиш бўйича ўқув курслари ташкил этган, керакли адабиётлар билан таъминланган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш Жамғармаси томонидан бир нечта соҳа атамаларининг изоҳли луғатлари нашр қилинган.

Тизим ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни

рақамлаштирилиб, давлат тилида “e-standard”, “e-metrologiya”, “e-akkreditatsiya” ахборот тизимлари ишга туширилди ва барча сертификат, гувоҳнома ва баённомалар давлат тилида лотин алифбосида тақдим этилади. Соҳага алоқадор йигирмадан ортиқ олий ўқув юрларининг мутахассис чиқарувчи кафедралар билан ҳамкорликда соҳа атамаларини тадқиқ этиш, талабаларга битирув малакавий ишлари, магистрлик ва докторлик диссертациялари тайёрлашда соҳа атама-

Президентимиз йил номидан келиб чиқиб, илм йўқ жойда қолқлик, жаҳолат ва албатта тўғри йўлдан адашиш бўлишини алоҳида таъкидлаб, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим, ундан кейинги таълим тизимлари, маънавият ва маърифат соҳалари, илм-фаннинг устувор йўналишлари бўйича вазифаларни аниқ белгилаб бериб, “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққаю ягона тўғри йўлидир!”, деб алоҳида таъкидлади. 2023 йилни нима

ҚАЛБИМИЗГА КЎЗГУ ТИЛ

ларининг изоҳли луғатларини яратиш, глоссарийлар тузиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан амалий ишлар олиб борилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан давлат дастурлари доирасида ўтказиладиган илмий ва инновацион лойиҳалар танловларида иштирок этиб, бешта илмий лойиҳалар молиялаштиришга эришилди ва ушбу лойиҳаларда ҳам соҳа атамалари тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Мурожаатномада яратиладиган қонунлар ҳар томонлама мустаҳкам бўлиши ҳақида алоҳида қайд этди. Қонуннинг мустаҳкамлигининг унинг тилининг мукаммалигидадир. Жорий йилнинг 28 октябрида ҳукумат қарори билан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари вазирлик, идоралар билан келишишдан олдин лингвистик экспертизадан ўтказиладиган бўлди. Ушбу низомда лингвистик экспертиза ўтказиш тартиби, унга қўйиладиган талаблар, баён этилган жумлаларнинг соддалиги, қисқалиги ва таърифларнинг аниқлиги бош мезон этиб белгиланган. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши юридик ва лингвистик соҳада кўплаб муаммоларнинг, биринчи навбатда, ҳуқуқ нормаларининг берилишида аниқликка эришиш борасида ечимини кутаётган масалалар борлигини кўрсатиб берди. Чунки тил қонуннинг асосий тамойили, унинг организми, бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган кўп нарсалардан лексик бирликлар – қонун ижодкорларининг ҳеч бир инкорсиз ва аниқ ифодаладиган сўзлари ҳисобланади. Қонун чиқарувчиларнинг иродасини ифодалайди. Айнан қонунчилик технологиялари бутун мажмуасининг замонавий даражасини таъминлангандагина ҳуқуқ шаклларини ифодалашда юқори аниқликка эришиш мумкин.

учун йилга бундай ном берилганига алоҳида тўхталиб, Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни устувор вазифа этиб белгиланганлигини, шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қилинаётгани ва бу йўлдан асло тўхталмаслигини ишонч билан айтди. Бунда, биринчи навбатда, эътибор Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратилиши, нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда, шундай экан барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилишини қайд этди.

Бу йилги Мурожаатнома аввалги йиллардан фарқи бу нафақат Олий Мажлисга, балки Олий Мажлис ва ўзбек халқига қилинган Мурожаатномадир. Таг-замирида “Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат” ғояси сингдирилган ушбу Мурожаатномада инсон кадрини улуғланди, унинг фаровонлиги йўлида амалга ошириладиган ишларни Давлатимиз раҳбари қалб кўрини бағишлаб гапирди. Ўйлайманки, Президентимиз Мурожаатномасидан келиб чиққан ҳолда юртимиз олимлари, таълим соҳаси вакиллари ўз олди-ларига катта мақсадларни белгилаб олишади ва бор куч-имкониятларини юксак марраларни эгаллашга сафарбар этишади. Зеро, Мурожаатнома мазмунида ўз ифодасини топган вазифаларни амалга ошириш, илм-фан ютуқларини юртимиз равнақига хизмат қилдириш ҳар бир юртдошимизнинг олий мақсад-муддаосидир!

Найбахон МАМАДАЛИЕВА,
Ўзбекистон техник жиҳатдан
тартибга солиш агентлиги
Бош директорининг
маслаҳатчиси

Аввал мутолаа қилинг, тушунмоқ зарурияти кейин...

Буюк рус шоири А.С.Пушкин дуелда яраланиб, вафот этар чоғида унга “дўстларингиз билан видолашинг”, дейишади. Пушкин хонанинг бир бурчагидаги китоб жавонига термулиб, “хайр, менинг дўстларим”, дея жон берган экан.

Китобни мутолаа қилиш жаранининг ўзидаёқ инсоннинг онги ва дунёкараши шаклланиб боради. Уни такрор ва такрор ўқиш давомида эса янгидан янги уфқлар кашф этилади, ҳар гал уни қайта мутолаа қилган инсон ундан ўзгача таассуротлар олади. Маълумотларга қараганда, Форобий Арастунинг “Жон ҳақида”, деб номланган асарига ўз қўли билан “Мен бу китобни 200 марта ўқидим”, деб ёзиб қўйган экан. Китоб онг ва қалб эҳтиёжини қондирувчи омил сифатида инсон руҳини тарбиялайди, шахсни шакллантиради. Китоб одамдан мутолаада нафақат кўз ва ақл, шунингдек, кўнгил ҳам бирдек иштирок этишини талаб қилади. Китоб ўқишдан мақсад ақл-тафаккур билан уни мантикий муҳокама этишгина эмас, балки чин юракдан завкланиш, таъсирланиш, ўзликни, ҳақиқатни излаб топиш ҳамдир. Файласуф Ян Миндан дўсти сўрабди: “Китоб ўқигандан сўнг ҳеч нарса ёдда қолмасани биласизми?” У “Уни тушунмоқ керак, ёдлаш шарт эмас. Тушунмоқ зарурияти ҳам иккинчи

даражали нарса. Энг аввало, китобнинг асосий моҳиятини англамоқ жоиз” деб жавоб берибди.

Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғат-ит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Носириддин Рабғузийнинг “Қиссайи Рабғузий”, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қатор асарларида китобхонликка оид қимматли маълумотлар берилган. Китобхонлик адабиётшунослик ва таълим-тарбиянинг муштарак ҳамда муҳим соҳаси сифатида, шубҳасиз, чуқур изланишларни тақозо этади. Унинг ривожини адабиётнинг тараққиёти билан боғлаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шу маънода бугунги илм-фан мисли кўрилмаган даражада ривож топган даврда китоб ўқиш ва унга муносабат бир қадар сусайгандек. Чунки ёшлар кўпроқ кино, видео, телевидение, компютерга берилиб кетган. Чексиз билимлар моҳияти, асрий сир-синоатлар тилсими ҳозирги даврга келиб башариятга ошкор бўлмоқда. Қадимда китобларни хаттотлар минг бир ма-


шаққат билан кўчиришган бўлса, бугунги кунда техника ютуқлари туфайли улар миллионлаб нусхаларда чоп этилиб, бутун дунё бўйлаб тарқатилмоқда. Ачинарлиси шундаки, бугун китоб ўқиш учун вақт сарфлашга ҳожат йўқдек. Бироқ тезкор замонда ҳаёт кечираётган одамзод шунчалик бетоқат бўлиб қолганки, унинг бир муддат хотиржам тин олишга имконияти, энг ёмони, бунга хоҳиши йўқдек кўринади. Инсоннинг онги фикрлар, маълумотларга тўла, аммо у фикрлашга лаёқатсиз бўлиб бормоқда. Унинг диққати бир жойда жам эмас, шошганидан шошадики китоблар турфа хил ва сон жиҳатдан кўп бўлгани билан уни мутолаа қилиш, теран фикрлашга фурсати йўқ. Китобнинг ўзини эмас, унинг сужети, моҳияти тўғрисидаги қисқагина маълумотларни ўқиш, аниқроғи, кўз юритиш афзал бўлиб қолди.

Китобнинг ҳаётдаги ўрнини ахборот, турли соҳаларга оид керак ва ноқерак маълумотлар эгаллаб олди, натижада инсонлар тинимсиз ахборот қабул қилишга мослашиб қолмоқда. Ахборот оқими шу қадар шиддатлики, уни қайта ишлашга, фикр юритишга деярли улғуриб бўлмайди. Бу борада маърифат

фидойиларидан бирининг куюнчаклик билан айтган гапини эслайлик: “Билим деб ҳикматдан, ахборот деб маърифатдан айрилдик!”


Аслида ҳар бир ахборот манбайи, кино ёки видеофилми оламизми, бадий асар ўрнини босолмайди. Масалан, “Ўткан кунлар” романи асосида ишланган филм қанчалик маҳорат билан суратга олинган бўлмасин, китобнинг таъсирини, жозибасини беролмайди. Биз руҳиятимиз, ўз оламимиз, қалбимиз билан қайта тил топишмоқчи эканмиз, китоб мутолаасига қайтишимиз лозим.

Дилдорхон СУЛАЙМОНОВА,
Тошкент шаҳридаги
204-мактаб
ўқитувчиси



XalqBanki

АТ “Халқ банки” нинг
Чиноз филиали жамоаси
барча юртдошларимизни
кириб келаётган
янги — 2023 йил
билан муборакбод этади.
Хонадонингиздан файзу
барака аримасин, шодлик,
осудалик
доимий ҳамроҳингиз
бўлсин!





Agrobank

Яна бир йил ортида қопмоқда.

Жорий йилда мампакатимиз ҳаётида кўплаб ўзгаришлар,
янги панишлар содир бўлди. Шу жумладан, қишлоқ
хўжалиги соҳасида ҳам ўсиш, ривожланиш
кўзга ташланди. Бундай ютуқ ва юксалишлар кириб
кепаётган 2023 йилда ҳам давом этсин, деймиз.

Янги йил барчангизга муборак бўлсин,
азиз ҳамюртлар!

АТБ “Агро банк” Чиноз филиали!



Юқори Чирчиқ тумани
“Деҳқон бозори” МЧЖ
жамоаси:

Янги йилда

*ҳар бир хонадондан тўқинлик,
фаровонлик ва хурсандчилик
аримасин. Юртимиз тинч,
фарзандларимиз баркамол,
дастурхонимиз бутун бўлсин!*

*Кўнгишлар эзгуликка,
яхшиликка тўлсин!*

ДЕҲҚОНЧИЛИКНИ “ДУҚЧИ” ЛИКЛАРДАН ЎРГАНИНГ

Қаиқадарё — боғдорчилик ва сабзавотчилик йўналишида ўзига ҳос тажриба мактабига эга вилоятлардан бир саналади. Ушбу гўшада ҳар бир қарич ерни эъзозлаб, барака топаётган фермерлар кўп. Нурали Умиров ҳам вилоятнинг Шаҳрисабз туманида истиқомат қилаётган энг илгор деҳқонлардан бири саналади.

Ерни эъзозламаган, ҳар бир қаричидан унумли фойдаланмаган, интилиб изланмаган, ташаббус кўрсатиб, янгилик яратиб ишламаган одамни ҳаётнинг ўзи бир чеккага чиқариб қўяди. “Боғни бокқан қанд, бокмаган панд ейди”, дейишгани бежиз эмас.

Шаҳрисабз деҳқон бозорига йўлингиз тушса, ял-ял товланиб олма, узум эътиборингизни тортиши аниқ. Сотувчи киш бўлишига қарамай, ҳар қандай харидорни хайратга соладиган маҳсулоти мактовини қойилмақом таърифлай кетади. Айниқса, кишда ҳам шундай узум бормикан, деб хайрон бўлманг. “Бу узум ўзимизни “Дуқчи” маҳалласида Нурали акани кўли билан етиштирилган. Мазасига гап йўқ, бир татиб кўринг. Пулингиз ўзингиз билан кетади, дейди сотувчи!

Бугунги кунда Шаҳрисабз тумани нафақат бодринг ва помидор, балки узуми билан ҳам машҳур. Туман боғбонлари бу борада ҳам ўзига ҳос мактаб яратган. Нурали ака каби миришкор томорқачилар янги узум навлари кўпайтиришда иш олиб бормокда.

“Дуқчи” маҳалласида узум сақлашнинг турлари кўп. Маҳаллий тилда “баклашка” деб юритиладиган узум сақлаш усули ҳам ўзига ҳос. Узум бошлари 12-16 см калтақлари билан узилиб, калтақларини бир тарафга қилиб яшиққа жойлаштирилади. Калтақлар кесилган “баклашка”га тиқиб қўйилади. Вақти-вақти билан сув қуйиб турилади. Уй шароитида март ойига қадар яхши туради. Таъми ва ширасини асло йўқотмайди.

Ҳа, заминимиз чиндан жаннатмо-



нанд. Шу боис дастурхонимиз сархил нозу неъматлар билан тўкин. Бу ўз ишининг устаси – миришкорлар меҳнати самарасидир.

Ўзига ҳос қийинчиликлар одамнинг иродасини тоблайтиди, ақлини чархлайди, — дейди Нурали Умиров. — Маҳсулотни сотишга доир жараёнлар кишини уздабурон, ишбилармон қилади. Яна бир жиҳат шуки, болалар меҳнатга ўрганади.

Статистика бўйича одам ҳар йили тахминан 5,5 кг цитрус истеъмол қилади, шунинг катта қисмини апельсинлар ташкил этади. XVIII асрда британиялик денгизчилар денгиз касаллигига чалинмаслик учун ўзлари билан кемага карамдан ташқари, апельсин ҳам олишган.

Улар пешона тери билан топилган нон қадрини ҳис этишади. Яқинда “Меҳнатқаш деҳқон” кўкрак нишони билан тақдирландим. Бундан бошим осмонга етди. Янги режаларимдан бири апельсин етиштиришни йўлга қўйиш.

Орамизда апельсинни бирор мар-

та истеъмол қилмаган одам бўлмаса керак. Ушбу мева гесперид резавор турлардан яъни (тери билан қопланган резавор мева) саналади.

Нурали акадан бу ҳақда қизик маълумот ёзиб олдик: Нордон апельсин тахминан X асрда Европа ҳудудига португалиялик денгизчилар, ширини эса XV асрда генуялик савдогарлар томонидан келтирилган. Дунёда етиштириладиган жами апельсинларнинг деярли 20 фоизи мева ҳолида сотилади ва истеъмол қилинади. Қолган қисми эса шарбат, экстракт ва консервалар ишлаб чиқаришга кетади. Апельсин дарахти юз йилгача умр кўриши мумкин. Унинг «Вашингтон Навел» навида данаклар бўлмайди, шунинг учун чанглантириш йўли билан кўпаймайди, фақат пайвандлаш орқали амалга оширилади. Битта цитрус дарахтининг 60 минг донагача гули бўлиши мумкин, бироқ бор-йўғи 1 фоизидагина мевалар етилади. Апельсиннинг «Валенсия» нави бу меванинг дунёда энг кўп тарқалган нави саналади. Апельсинлар ҳосилдорлик рамзи саналади.

ёқимли ҳид дея тан олинган.

Статистика бўйича одам ҳар йили тахминан 5,5 кг цитрус истеъмол қилади, шунинг катта қисмини апельсинлар ташкил этади. XVIII асрда британиялик денгизчилар денгиз касаллигига чалинмаслик учун ўзлари билан кемага карамдан ташқари, апельсин ҳам олишган. Бир дона апельсин таркибида С витаминининг кунлик нормаси мавжуд. Бир дона апельсин данагидан бир нечта дарахт ўсиши мумкин. Кўпгина маданиятларда апельсин дарахти ва унинг мевалари муҳаббат рамзи саналади. Реннесанс даври суратларида рассомлар севишган жуфтликни апельсин дарахтлари орасида турган ҳолда тасвирлаганлар.

Экин парваришlash хосиятини обдон уққан, она заминимизнинг ҳар қаричини қадрловчи бу инсон томорқачилик афзалликларини батафсил сўзлаб берди. Аввало, бетиним ҳаракат туфайли одам жисмонан соғлом бўлади, эрта қаримайди. Тирик унсурлар – ўсимликлар билан тиллашиш туфайли эса унинг қалби гўзаллашади. Айни дамда йўналишга оид илм-фан янгиликларидан доим хабардор бўлади, изланади, ўрганади, давр билан ҳамоҳанг қадам ташлайди.

Қаиқадарёда хайрли ташаббуслар тобора кенг қулоқ ёзмақда. “Бирни кўриб шукр қил” деганларидек, биз жаннатмонанд диёрда яшаётганимиздан ҳар қанча севинсак, гурурлансак арзийди. Зеро, ўлкамизда йилнинг тўрт фаслида ҳам тўкинлик, фаровонлик. Зироатбоп ерларимиз беҳисоб. Тупроғимиз унумдор. Истаганча экин-тикин қилиш, боғ-роғлар барпо этиш мумкин.

Дилбар МАХМУДОВА,
“Жамият” мухбири

Кўзгу

Тўрт ёшли қизалоқ отасини гапга тутди:

– Дада, бугун мен билан ўйнайсизми?

Телефонидан кўзини узмаган ота бош чайқаб, инкор ишорасини берди.

– Кеча ваъда бергандингизку, эртага ишдан келсам ўйнаймиз, дегандингиз...

Қизалоқнинг кўзлари алам ёшлари билан тўлди.

Дикқати чалғиганидан жаҳли чиққан ота

рўзғор ишлари билан банд хотинига бақира кетди:

– Қанақа одамсан сен?! Ишдан чарчаб келган, дам олсин, демайсана. Болани олсанг бўлмайди-ми?! Телефонингни бер, ўйнаб ўтирсин!

Бир неча дақиқадан сўнг, қизчанинг бир ёшдан ошган укаси уйқудан туриб, одатига кўра суюкли опасининг кучоғига югурди.

– Эй бор, тегинма! Мени вақтим йўқ, телефон ўйнапман, кўрмайсанми? Ая, бунизни олинг!





МЕН – МАЖНУНМАН, ШЕЪРИМ, СЕН – ЛАЙЛИ!

Шеъриятдаги ўн тўрт мисрадан иборат сонет жанрининг машҳур бўлишига италиялик Франческо Петрарка (1304–1374), инглиз Вильям Шекспир (1564–1616) каби таниқли шоирлар ижоди беқиёс ҳисса қўшди. Европалик шоирлар сонетларни шунчалик қадрлашганки, ҳатто улар шарқлик шоирлар бу жанрда ижод қилолмайди дейишгача боришган. Уларнинг фикрига қарши ўлароқ, шарқлик шоирлар ажойиб сонетлар ёзишди, ёзишмоқда.

Жумладан, бой адабий меросга эга ўзбек халқининг истеъдодли шоири Усмон Носир (1912–1944) сонет жанрида ҳам беназир асарлар яратди. Улардан бири “Яна шеъримга” сонетидир.

*Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,
Боққа кирсанг, гуллар шарманда.
Бир мен эмас, ҳаёт шахисан,
Жоним каби яшайсан манда.*

*Юрагимнинг дарди – нақшисан,
Қилолмайман сени ҳеч қанда!
Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим яхшисан.*

*Сен орада кўприк бўлдинг-да,
Гейне билан ўртоқ тутиндим,
Лермонтовдан кўмак ўтиндим.*

*Бутун умрим сенинг бўйинигда,
Сахарда қон тупурсам, майли,
Мен – Мажнунман,
шеърим, сен – Лайли!*

Сонет талабларига тўлиқ жавоб берадиган дастлабки саккиз мисрагани ўқиганда ҳайратга тушасиз, энди қандай ечим ва хотима айтилади дея ўйлай бошлайсиз. Шоир ҳам сонетни давом эттиришдан олдин хаёлан немис шоири Генрих Гейне (1797–1856) билан ўртоқ тутиниб, маслаҳат сўрайди, рус шоири Михаил Лермонтов (1814–1841) дан кўмак ўтинади. Аммо кўнглидагидай жавоб тополмайди. Шунда шоир Ҳазрат Алишер Навоий (1441–1501) нинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги ошиқ-маъшукларнинг висоли-

га оид бобни эсга олади. Усмон Носир сонетнинг меъварини топади: шеър – Яратган томонидан пок ниятли шоирга бериладиган неъмат!

Маълумки, машҳур севги достонида Мажнун ота-онаси хоҳишига қарши бормай Навфал қизига уйланишга рози бўлади. Никоҳ оқшомида Навфал қизининг илтимосига қулоқ тутиб, унга бахт-саодат тилаган ҳолда сахрога чиқиб кетади. Бу вақтда Лайлининг ота-онаси қизини Ибн Саломга узатишга қарор қилади. Тўй куни кўп май ичган Ибн Салом никоҳ оқшоми олдида тутқаноғи тутиб ҳушдан кетади. Унга турмушга чиқишдан кўра ўзига захарли ханжар уришни ўйлаб турган Лайли ёлғиз қолади. Ҳамма Ибн Салом билан овора бўлаётгани учун уйдан чиқиб сахрода боши оғган томонга, тўғрироғи, Яратган йўллаган томонга юра бошлайди.

*Ўйдин ташқари қўйди гомин,
Ул қум уза кўргузуб хиромин.*

*Тутмас эди лаҳза-лаҳза ором,
Секин-секин урар эди гом.*

*Ҳар лаҳза дер эрди шукри бори,
Борурда йўқ эрди ихтиёри.*

*То онча масофат айлади тай
Ким, қилса назар кўрунмагай ҳай.*

*Мажнун дагиким тутуб биёбон,
Бу сори келур эди иштубон.*

*Ул мунга, бу анга чун ёвушти,
Иккисига изтироб тушти.*

*Лайли танибон анинг навосин,
Навҳа аро назми жонфизосин.*

*Мажнунга этиб анинг насими,
Қолмай ичида фироқ бийми.*

*То бир-бирига этиштилари бот,
Ким кўрди висол бўйла, ҳайҳот?*

Лайли ва Мажнун орзу қилган висол уларга Яратган томонидан инъом этилди. Ҳазрат Навоий улар висолини таърифлаётганда сўз дурларини беҳисоб сочади.

*Ул икки нечукки бахти бедор,
Бўлуб бир-бирига масти дийдор.*

*Йиллар бўлган фалак хилофи,
Бир кечада топибон талофи.*

*Чирмаштилари ўйлаким тану жон,
Ё сарви сиҳию ишқпечон...*

Мажнун орзу қилган Лайли висоли, шоир орзу қилган шеър висоли рўёбга чиқди. Шеъриятнинг яна бир талаби бор: шоир ўзи ёзаётган нарсига бир лаҳза бўлса ҳам айланиши керак. Чинор ҳақида ёзса чинорга, денгиз ҳақида ёзса денгизга...

*Мажнун согиниб ўзини Лайли,
Айлар эди нозу ишва майли.*

*Лайли ўзини согинди Мажнун,
Шукр эттики, ёри эрди макрун.*

*Ул бу бўлдию лек бу ул,
Топмади арода иккилик йўл.*

*Ҳар ишқи ўтуб ҳалокликдин,
Айру эмас эрди покликдин.*

Достонда Мажнун Лайлига, Лайли Мажнунга айланганини кўрган шоир бир лаҳза Мажнунга, шеъри эса Лайлига айланади. Висолда олий мезон – поклик. Лайли ва Мажнун висол лаззатидан ҳайратланарли даражада баҳраманд бўлишмасин поклик мезонига рию этишади. Тонг отмоқда Лайли арзини айтади, қанчалик оғир бўлмасин Мажнун уни қабул қилади.

*Шарҳ эттики фитнаи ҳаводис,
Оқиом не иш этмиш эрди ҳодис.*

*Яъни: “Тураримга юз жиҳатдур,
Борсам даги айни маслаҳатдур”.*

Сонетдаги “Сахарда қон тупурсам, майли” мисрасининг теран мазмуни кўз олдингизда яққол гавдаланади. Яъни, Лайли кетгандан кейин Мажнун айрилиқда қон тупуради. Шоир шеърни Мажнун Лайлини севгандай яхши кўради. У шеър – Лайли висолига етса бас, кейин сахарда қон тупурса ҳам майли. Бу сонетни ёзаётганда Усмон Носир сонетга, сонет Усмон Носирга айланади. Янада тўғрироқ айтсак, Усмон Носир ҳар бир шеърини ёзаётганда бир лаҳза шеърга айланган, шу боис ҳар бир шеъри ҳозиргача Усмон Носир бўлиб яшайпти ва бундан кейин ҳам яшайверади. Чунки шоирнинг ўзи таъкидлаганидай:

*“Мен – Мажнунман,
шеърим, сен – Лайли!”*

**Асрор МЎМИН,
шоир ва таржимон,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

КЎЗ ЎНГИМИЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Поёнига етаётган “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили” да маҳаллаларга бўлган эътибор янаям кучайди. Айниқса, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, Хотин-қизлар фаоли каби янги лавозимлар жорий қилингани айни муддао бўлди.

Бу ислохотлар халқнинг янада фаровон яшашига хизмат қилмоқда. Масалан, Нурота тумани Жарма қишлоғи “Обод қишлоқ” давлат дастурига киритилди ва кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, 26-мактабга кўшимча бино қурилди. Оилавий поликлиникага

ҳам кўшимча бино қурилди ва бошқа қурилиш ишлари амалга оширилди. Интилишлари ва куюнчалкги инobatга олиниб, Жарма МФЙ раиси Жамолiddин Мирзаев “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланди.

Маҳалламиз ёшлар етакчиси Мирзохид Қамбаров ҳам самимий, ақлли, билимли ёшлардан бирidir. Ҳар доим ёшларнинг муаммолари ҳал этилишига кўмаклашади. Маҳалламиз ёшлари спорт мусобақаларида ҳам фаол иштирок этиб, муносиб ўринларни эгалладилар. Маҳаллам фахру-уифтихоримдир.

**Дилшод МАМАДИЁРОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ
давлат университети талабаси**



– Менга қара, агар тўйингга иш-хонамдагиларни айтмасанг, мен ҳам бормайман. Уларнинг жиянлари тўй бўлганда борганман, ахир. Шарманда қиладиган бўлсанг, опа, дема мени.

– Бу нима деганингиз? Ўзингиз гувоҳсиз-ку, 5 йил Россияда, 2 йил қозоқда ишлаб, топганим бел оғриғи бўлди. Битта ўғилни уйлантириш учун бунча одамга зиёфат беролмайман. Шусиз ҳам қарзга тўй қиляпман.

– Бу мени қизиқтирмайди. Тўй кўпчилик билан бўлади. Эпласанг қил, бўлмаса...

Ўша куни Самандар аканинг боши қаттиқ оғриди. Маслаҳат оши жон бозорига айланиб кетди. Тўйларининг бошида турадиган ота-онаси ўтиб кетишган, туғишганлари эса уни қўллаб-қувватлаш ўрнига жарликка итаришмоқда. Шундай қилиб, у опасининг ишхонасидан 10 кишини, бундан ташқари, унинг қудалари, аммаю холаларини ҳам айтадиган, аёлларга мато қўядиган бўлди. Акаси ва укаси улфатларини, синглиси дугоналарини рўйхатга киритишни унутишмади. Бир тарафда хотинининг қариндошлари, уларни хафа қилиб бўлармиди, ҳеч бўлмаганда, ўзиникиларга қилганича сарпо қилиши керак. Ҳали маҳалладошлари бор. Улар ҳам Самандар акани ҳар кўрганида, “Тўйлашарканмиз-да”, дея рўйхатга киритишига ишора қилишади. “Нималар бўляпти ўзи, – хаёлидан ўтказди Самандар ака, – Биз тўйни камчиқим, қурбимизга яраша қилмоқчи эдик-ку”.

Ҳа, пандемия чекиниб, кўрагимизга озгина шамол теккан эди, эски “дардимиз” кўзиди. Тўй, кераксиз маъракалар, дабдабозлик



МУТТАҲАМЛИК ЗАНЖИРИ

васвасаси яна авж олди. Ижтимоий тармоқлар пулдан сарпо кийганлар, даврага пул сочиб, ўзини кўз-кўз қилаётганлар видеоси билан тўлди. Яна исрофгарчилик, яна беҳаёлик, яна фаросатсизлик бошланди. Нахотки мураккаб давр бизга шахс ёки жамият сифатида “улғайишимизга” етмади, пандемия, унинг ортидан келган қимматчилик кўзимизни очмади? Кечагина, чекловлар амалда бўлган вақтда, 30 кишилик тўй қилишга рози бўлиб турганлар бугун яна хунар кўрсатяпти-ку?!

Ёзаётганларимиздан мақсад яна эски гапларни қайтариш эмас. Пули, уни топишга кетган умрига ачинмаган инсон бировнинг насихатини қадрлармиди. Мақсад барчамиз ҳар куни кўраётган, билган ва энг ёмони, бефарқ қараётган айрим ҳақиқатлар юзидаги пардани очишдир.

Масалан, биз шу вақтгача катта тўйлар ҳақида гапирганда фақат тўй эгаларини айбдор қилдик. Аслида ҳам шундайми? Кузатувларимдан хулоса қилиб айтишим мумкинки, бугун тўй ҳаракатига тушганларнинг кўпчилиги аввал бошида уни камчиқим, фақат яқинлари давра-

сида ўтказишга ҳаракат қилишяпти. Ҳатто, уларнинг “Карантин тартиби яна бир ойга қайтса эди, тўйимни камхаржгина қилиб ўтказиб олардим”, деганларини эшитдим. Демак, дабдабали тўйларнинг ортида бир ёки икки киши эмас, балки кўпчилик, таъбир жоиз бўлса, жамиятнинг ўзи турибди.

Қандай қилиб дейсизми? Марҳамат, тўйга таклифнома олганимизда нимани хаёлдан ўтказишимизни ўйлаб кўрайлик. Зиёфат, маишат, ўйин-кулгунни ўйлаймиз, шундайми? Тўй бошлаган биродаримизнинг вазияти билан бир чақалик ишимиз йўқ. Бу ёлғон дейдиганлар, охириги маротаба кимга тўй учун беминнат ёрдам берди ёки тўйни ихчамлаштириш таклифини айтди? Ҳеч бўлмаса, “Мени ва оиламни тўйга айтмасанг ҳам хафа бўлмайман, имкониятингдан келиб чиқиб дастурхон ёз”, деган мард чиқдими орамиздан? Бизда ҳаммаси тескари-ку. Бошқа кўчада турувчи танишимиз тўй қилса ҳам мабодо бизни айтишни унутса, ғийбатини бошлаймиз. Тўйларни қисқартириш ҳақида соатлаб ваз ўқиймиз-у, ўзимизга келганда наф-

симизни тия олмаймиз? Еган оғиз уялар, деган мақол бор. Эртага сиз ҳам тўй қиласиз.

Бу билан тўйларга борманг, даврага қўшилманг, демокчи эмасмиз. Боринг, фақат инсоф билан, талаб қилиб эмас. Қолаверса, “Бир вақтлар ошини еганман, тўйимга айтмасам бўлмайди”, деган важларнинг ҳам даври ўтди. Жамиятимиз бўйнига илинган бу муттаҳамлик занжиридан кутулиш вақти келди, назаримда. Охириги хулоса ўзингиздан.

Самандар ака масаласига келсак, бу ўйлаб топилган воқеа эмас. Ўша тўй жуда дабдабали ўтди, 400 нафарга яқин одамга жой қилиниб, дастурхонлар сархил ноз-неъматларга тўлдирилди. Тўй эгасидан бошқа ҳамма хурсанд эди ўшанда. Энг ёмони шундан кейин бошланди. Кўп ўтмай, куёвбола келинчагини уйда қолдириб, четга, қарзларини тўлаш учун пул топишга кетди. Келин эса бу тақдирга кўнмади, онасиникига қайтди. Ҳозир Самандар ака ҳам касал ҳолига қарамай, ўғлининг олди-га кетган. Икковлон тўй қилиш учун яна пул йиғяпти.

Асқар БАРОТОВ.



Йўқчиликдан ор қилманг, бойликдан кибр

Тўй қилиш вожиб, дегани бу одамларга тақлид қилиб, фалончидан қолиб кетмаслик учун ортиқча дабдаба қилиш ёки ёшларнинг барча истакларини рўёбга чиқариш керак дегани эмас.

Хаёлингиздан “яна тўй мавзусими, бу ҳақда гапирилавериб меъдага тегдику”, деган фикр ўтаётгандир. Аммо кейинги пайтда ўтказилаётган тўйларнинг халқимизга етказилган моддий зарари ва ёшлар тарбиясининг бузилишига олиб келаётганини ўйлаб кўрдингизми?

Бугун ўзига тўқ оилалар данғиллама тўй қилиб, уни ижтимоий тармоқларда кўз-кўз қилаётгани, бошқаларнинг бунга имкони бўлмаса-да, фарзандларини тенгқурларидан кам қилмаслик учун дабдабали тўй қилишга чиранаётгани ҳақиқат. Бу борада тўйларни ихчамлаштириш,

ортиқча дабдабозликнинг олдини олиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, меъёрлар белгилаб берилган эди. Бироқ кейинги пайтда ўтказилаётган тўйларда ушбу меъёрларга амал қилинмаяпти.

Яқинда бир ўртоғим уйланди. Оиласи камбағал, лекин шунга қарамай отаси Россиядан қайтгач, ўғлимни ҳеч кимдан кам қилмайман, деб данғиллама тўй қилиб берди. Дўстим тўй куни “загз”га ўзи хоҳлаган “Мерс” машинада борди. Куёв жўраларга ҳам “Малибу” “загз” қилиб, пулини олдиндан тўлади. Ресторанни айтмайсизми, гуллар билан безатилган, дастурхонда турли ноз-неъматлар муҳайё, Тошкентдан таникли хонандалар келган...

Хуллас, тўй дабдабали ўтди. Лекин отанинг йиллар давомида мусофирликда ишлаб топган пули бир кунда совурилди. Бунинг устига қулоғига қарзга ботди. Энди отанинг бу қарзларни узиб, фарзандларини уйли-жойли қилгунча яна ўзга элларда мусофир бўлишига тўғри келади.

Шукур Холмирзаевнинг “Ўзбеклар” хикоясида биз, ўзбекларнинг шу феъли ҳақида гап кетади. Яъни, ўзи жўжабирдай чўпон оиласи бошқаларга фақирлигини кўрсатишдан ор қилади. Ҳатто,

ойда емайдиганини бир кунда тўкиб беради. Ҳа, биз қайсар халқмиз. Рўзгоримиз зўрға ўтиб турган бўлса-да, тўй қилишга келганда “бойваччалар”ниқидан кам бўлмасин, деймиз. Қачонгача йўқчиликдан ор қилиб, бойликдан эса кибрланиб яшаймиз?

Кейинги пайтда тўйларда никоҳ куни ярим тунда куёв жўраларнинг ёр-ёр кечаси ташкил қилиши авж олган. Яқинда тахририятимизга Самарқанд шаҳрида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар мурожаат қилишди. Айтишларича, никоҳ куни ширакайф куёв жўралар автомашиналар йўлини тўсиб олади ва олов атрофида ёр-ёр айтиб рақсга тушади. Ёшларнинг бу қилиғи оқибатида ёш йигит ёнилғи ботирилган пахта ёкамани деб юзини куйдириб олган ва ногирон бўлиб қолган. Нахотки, ота-она ва маҳалладагилар уларни назорат қила олмаса?

Тўғри, тўй азалдан ўзбек халқининг миллий қадриятига айланган. Аммо бугунги тўйларда урф-одатларимизга зид бўлган бошқа иллатларнинг пайдо бўлиши, ортиқча дабдабозлик, исрофгарчилик, битта тўйда юзлаб машиналар, ўнлаб санъаткорлар, “пулдан сарпо” қилишлар қадриятларимизга қанчалик тўғри келади?

Фазлиддин РЎЗИБОЕВ.



JOINT STOCK COMPANY
QO'QON BIOKIMYO
AKSIYADORLIK JAMIYATI

“QO'QON BIOKIMYO” AJЖ жамоаси



барча юртдошларимизни

*Янги йил байрами билан муборакбод этади.
2023 йил оилаларимизга бахт-саодат, шодлик ва
фаровонлик, қут-барака олиб келсин! Қилаётган
ишларимиз мамлакатимизга, оилаларимизга омад
келтирсин! Янги йилингиз қутлуғ бўлсин,
азиз юртдошлар!*



ЖАМИЯТ



Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология ва
атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1208
Адади: 1515.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жиҳатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:
jamiyat@umail.uz

Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6



QISHLOQQURILISHBANK

Yangi yilingiz mubarak bolsin!

QUANT
Bank qo'lingizda bo'ladi!

qqb.uz 1254

Бўка тумани қишлоқ хўжалиги бўлими жамоаси

азиз юртдошларимизни

**ЯНГИ —
2023 йил**

билан муборакбод этади.

Дилларга сурур, оилаларга кувонч
улашадиган байрам завқи йил
бўйи барчамизга ҳамроҳ бўлсин.
Мамлакатимиз равнақи йўлида
амалга оширилаётган ислохотлар
самараси кўзларимиз ва
кўнгилларимизни шод қилаверсин.
Байрам муборак, азиз юртдошлар!

